

МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК БЕРИЛГАН ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТЎЛОВ ШАРТНОМА МИҚДОРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТЕГИШЛИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

Валиев Шамсиддин Эшпулатович

Рақамили иқтисодиёт ва агротехнологиялар Унвиерситети

Иқтисодий ишлар бўйича проректори Тошкент давлат иқтисодиёт

Университети Мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу тадқиқотда Ўзбекистонда молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида тўлов шартнома нархларини шакллантиришнинг муҳимлиги ва унга таъсир этувчи омиллар баҳоланган. Нархларни шакллантириш ва уларнинг олий таълим хизматларига талаб ва таклифни тартибга солиш, харажатларни молиялаштиришдаги ўрни асосланган. Давлат олий таълим муассасаларини молиялаштиришга тегишли сўнги ислоҳотларда ушбу омилларнинг ҳисобга олиниши муҳимлиги борасида айрим хуносалар ва таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: тўлов шартнома нархлари, тўғри харажатлар, таълим бозори, олий таълимга талаб ва таклиф.

Мустақиллик йилларидан сўнг Ўзбекистон шароитида олий таълим муассасалари собиқ иттифоқ давридаги ёндашув ҳисобланган “қолдиқ тамойили” га кўра норматив-смета усулида молиялаштирилиб келинди. Олий таълим муассасалари давлат бюджетининг қуи ташкилоти сифатида қаралган ушбу даврда олий таълим ташкилотларига боқиманда кайфиятдаги ёндашув ва уларнинг талаби ёки фаолиятининг самарадорлигига қараб эмас, балки норматив молиялаштириш қоидаларига кўра ёндашув асосида молиялаштириш ташкил этилди. Ушбу жараёнда олий таълим муассасаларини етарлича молиявий ресурслар

билин таъминланиши очик масала бўлиб қолди. Олий таълим учун ўрнатилган квоталар ва талабнинг бир-бирига мувофиқ келмаслиги, қамров даражасининг ўта пастлиги олий таълим муассасаларига нобюджет маблағларни ҳамда ўз функцияларини тўлақонли бажариш учун етарли тушумларни жалб этилишини кескин чеклаши кузатилар эди.

2017 йилдан бошлаб мамлакатда олий таълим соҳасида кескин бурилишлар даври бошланди. Мамлакатда олий таълим олишнинг оммавийлашув даври бошланди. Сўнгти йилларда мамлакатимизда олий таълим соҳасида қўйидаги ўйналишларда туб ўзгаришлар юз бергани кузатилди:

- олий таълим билан қамровни ошириш, оммавий олий таълим босқичига ўтиш даврининг бошланганлиги;
- олий таълим муассасаларига босқичма-босқич молиявий мустақиллик бериш ва уларнинг фаолиятида қарорлар қабул қилишда корпоратив бошқарув элементларини жорий этиш бўйича ислоҳотларнинг жорий қилиниши;
- олий таълим муассасалари сонининг ошиши, талабалар контингентининг кенгайиши, таълимнинг турли шаклларининг жорий этилиши;
- олий таълим тизимида нодавлат олий таълим ташкилотларининг, жумладан хусусий олий таълим ўрнининг кенгайиши ҳамда уларга тегишли қонуний ва ташкилий чора-тадбирларнинг қабул қилиниши.


Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассаслари харажатларини молиялаштиришда тўлов шартнома нархларни шакллантириш жараёнида энг камида қўйидаги жиҳатлар ҳисобга олиниши керак:

- олий таълим хизматларини ташкил этишда ўқитувчи/талаба ва ходим/талаба нисбатларини акс эттирувчи тўғри (бевосита) харажатларнинг ҳисобга олинишига эришиш;
- белигланган нархлари динамик (ўзгарувчан) бўлишига эришиш. Бунда нархларнинг сурункали “музлатиш”нинг салбий оқибатлари ҳисобга олиниши керак;

-тўлов шартнома нархларида олий таълим бозоридаги талаб ва таклиф ҳисобга олинниши ва таълим бозорига нисбатан нархларнинг таъсирчанлигини таъминлаш керак;

-нархларнинг олий таълим муассасалари томонидан соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таъминловчи омиллардан бирига айланишига эришиш лозим.

Давлат олий таълим муассасаларида 2017-2022 йиллар давомида давлат буюртмаси асосида ҳамда тўлов шартнома асосида шаклланган тўлов шартнома шартнома нархлари бўйича ўзгаришни кузатадиган бўлсак, давлат буюртмаси асосида тушумлар ўзгариши нисбатан яхши таъминланганлигини кўриш мумкин (1-чизма). Зеро, бир талабага тўловларнинг таркибида давлат буюртмаси тўловларида тўғри харажатлар етарлича ҳисобга олинганлигини қайд этиш мумкин. Тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалар шартнома нархларида ҳам тўғри сарфларни етарлича ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.



1-чизма. 2017-2022 йилларда давлат гранти ва тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган бир нафар талабадан тушумлар динамикаси (млн.сўмда)¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ижтимоий соҳалар иқтисодиёти ва молияси департаменти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Шу туфайли, тўлов шартнома нархларини шакллантиришда уларнинг бевосита харажатларга нисбатан ҳамда бозордаги талаб ва таклиф ҳолатига нисбатан таъсирчан бўлишини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Бунда талаб юқори таълим йўанлишларида харажатларнинг миқдорига нисбатан маржа миқдори юқори бўлиши ва аксинча ҳолатда эса маржа миқдорининг паст бўлиши нарх белгилашда номутаносибликлар келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолларда талаб даражаси ҳамда муайян олий таълим муассасаларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маълум коэффициентлар қўллаш мумкин. Бу ҳолатда олий таълим муассасалари учун қўйидаги ҳолатларни қайд этиш ўринлидир:

Биринчидан, молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида юқори маржа мавжуд таълим йўналишлари паст маржа мавжуд таълим йўналишларини қўллаб-қувватловчи сифатида намоён бўлади. Бунда айрим йўналишлар бошқа таълим йўналишлари ҳисобидан субсидияланишига сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчидан, нархларнинг олий таълим олиш имкониятларини чеклаши муаммосининг олдини олиш мақсадида нархлар давлат молияси ёхуд чегирмалар бериш сиёсати орқали мослаштирилиши мумкин.

Учинчидан, нархлар сиёсатига ҳамоҳанг равишда талабаларга молиявий қўмак дастурлари ҳам жорий этилиши долзарблашиб боради. Ушбу жараёнлар эса нарх сиёсатига мослашувчан қўмак дастурларининг ишлаб чиқлишини талаб этиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, давлат олий таълим муассасаларида молиявий мустақиллик берилиши баробарида уларнинг ўзини ўзи молиялаштириш ва барқарор молиялаштириш имкониятларини таъминлаш мақсадида тўғри ва иқтисодий асосланган нарх сиёсатини жорий этиш лозим. Ушбу ислоҳотларда албатта олий таълим олишнинг ижтимоий адолат нуқтаи назаридан нархлар сиёсатининг юритилишига эришилиши таъминланиши керак.

Адабиётлар/Литература/Reference:

1. Курбонов Ж.Ю. Олий таълим муассасаларида ўқитишинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш масалалари // Инновацион технологиялар . 2021. №4 (44).
2. Levin B. Tuition fees and university accessibility //Canadian Public Policy/Analyse de Politiques. – 1990. – С. 51-59.
3. Vossensteyn H., Canton E. Tuition fees and accessibility: the Australian HECS //Higher Education Reform: Getting the Incentive Right, The Hague. – 2001.
4. Дмитриенко А. С. Факторы ценообразования в российских государственных вузах //Экономический журнал Высшей школы экономики. – 2021. – Т. 25. – №. 3. – С. 379-402.
5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ижтимоий соҳалар иқтисодиёти ва молияси департаменти маълумотлари